

Сайлов — 2016



ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

ТОШКЕНТДА Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун онлайн семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Марказий сайлов комиссияси ва барча округ сайлов комиссияларининг аъзолари, матбуот марказлари раҳбарлари, сайлов ҳуқуқи бўйича экспертлар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинар округ сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва уни амалиётда қўллаш бўйича билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов шу йил 4 декабрда бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Юртимизнинг келажги, унинг янада тараққий этиши бўлажак сайловнинг юқори савияда ташкил этилиши, унда сайловчиларнинг фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди.

Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган, фақат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари тизимининг мустаҳкамлаб қўйилгани миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақомига эга. У ўз фаолиятини мустақиллик, қонунчилик, коллегиялик, ошкоралик, адолатчилик принциплари асосида олиб боради.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови оид қонун ҳужжатлари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриладигани айтиб ўтилди. Сиёсий партияларга сайловда иштирок этишга ижозат берилди. Сайлов округлари ва округ сайлов комиссиялари шакллантирилиб, уларнинг фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Сайловнинг очиқ ва ошкоралигини, транспарентлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилмоқда, халқаро кузатувчиларга тақлифномалар юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонунга мувофиқ округ сайлов комиссиялари зиммасига қатор вазифалар юкланган. Сайловга оид қонунларнинг округ ҳудудидаги ижросини назорат қилиш, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш шулар жумласидандир. Улар, шунингдек, сайлов участкаларини тузади, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилайди ҳамда манзилни кўрсатган ҳолда рўйхатини эълон қилади. Участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Сиёсий партиялар вакиллари, сайлов округи ҳудудида жойлашган корхоналар, муассаса ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитилади.

Семинарда алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари ўз ишида қонунчилик, сайлов жараёнининг очкилиги ва ошкоралиги каби тамойилларини таъминлашга доимий эътибор бериши лозим.

Семинар-тренинг давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг асосий вазифалари, миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнги ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, халқаро сайлов стандартлари, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда матбуот марказларининг вазифалари кўрсатиб берилди. Кузатувчилар институтининг сайлов жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, округ сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси фаолияти билан танишди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Фаровонлик



СЕНДАН ФАРЗАНДИНГА БОҒ ҚОЛСИН, ЭЙ ДЎСТ БОҒИНГ ВАТАН ДЕГАН НОМ ОЛСИН, ЭЙ ДЎСТ

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида 100 минг гектарда мевали боғ ва токзорлар барпо этилди. Кейинги уч йилда 22 минг гектардан зиёд ер майдонида илмий асосланган интенсив боғлар ташкил қилинди

ФАЛЛАОРОЛ тумани собиқ Иттифоқ даврида галлачилик ва чорвачилик соҳасига ихтисослашган эди. Бепоян далаларга лалми буғдой экилиб, бор-йўғи 5-8 центр ҳосил олинарди. Олинган ҳосилдан чорва учун ем маҳсулотлари тайёрланарди. Юқоридан топшириқ шундай бўлган. Шу сабаб туман тасарруфидаги барча хўжаликлар давлат дотациясида ўтирарди.

3

4 декабрь — Сайлов куни

Марказий сайлов комиссиясининг

онлайн мажлиси

2016 йилнинг 3 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолари, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов олиб борган мажлисда мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари

ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш масаласи, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа масалалар кўриб чиқилди.

ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 44 та сайлов участкасини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги

нинг асосий вазифаси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига асосан белгиланган муддатда имзо варақалари қонун талабларига мувофиқлиги ҳақида хулосалар беришдан иборатдир.

Мажлисда 2-Андижон ва 12-Хоразм округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотлари эшитилди.

Комиссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилган оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтқа-

риш масаласини ҳам кўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг очкилиги ва ошкоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳусусида ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Шу вақтга қадар мамлакатимиз ва хорижий босма ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларида сайлов кампанияси билан боғлиқ икки мингдан зиёд материаллар эълон қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Қўрилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази

Қонун қабул қилинди

Тинчлик ва осойишталикни сақлашнинг ҳуқуқий кафолати янада мустаҳкамланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва ИИВ мутасаддиларининг фикрлари



XXI АСРНИНГ энг кучли, прагматик, сиёсий етакчиларидан бири деб тан олинган, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. Каримов ва бугунги Ўзбекистон тараққийоти ҳамда фаровонлигининг асосига айланган машҳур "Ўзбек модели"нинг учинчи тамойили "қонун устуворлиги", яъни барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ҳисобланади. Қонун устуворлигининг туб замирида инсон, унинг ҳаётини, тинчлигини, осойишталигини, хавфсизлигини, ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш сингари муҳим вазифалар ётади. Таъкидлаш жоизки, бундай вазифаларни самарали ҳал этишда ички ишлар органларининг муносиб ўрни бор. Дарҳақиқат, юртимизда хотиржамлик ҳукм суриши, аҳолининг осуда ҳаёт кечирishi кўп жиҳатдан ички ишлар тизими фаолиятига беvosита боғлиқ. Шу боси, истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб, жамоат тартибни сақлаш, фуқаролар мол-мулкларини муҳофаза қилишда алоҳида ўрин тутадиган ички ишлар идораларини ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасида такомиллаштиришга аҳамият қаратиб келинмоқда.

2

СЕНДАН ФАРЗАНДИНГА БОҒ ҚОЛСИН, ЭЙ ДЎСТ БОҒИНГ ВАТАН ДЕГАН НОМ ОЛСИН, ЭЙ ДЎСТ

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида 100 минг гектарда мевали боғ ва токзорлар барпо этилди. Кейинги уч йилда 22 минг гектардан зиёд ер майдонида илмий асосланган интенсив боғлар ташкил қилинди

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Мустақилликдан сўнг туман-да ҳам ислохотлар бошланди. Ер фермерларга бўлиб берилди. Бироқ туманда далаларни суғориш учун оқарсув муаммо. Ернинг асосийси адирлик.

— Ўтган йили туман раҳбарлари хўжаликка келиб: "Юра-гида ўти бор йигитлар борми, боғ яратадиган. Беш йил солиқдан озод қилинади. Адирликдан ер берамиз" дейишди, — дея ҳикоя қилади Жийдали Бойсун қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Фурқат Тўрабоев. — Биз беш нафар йигит гапни бир жойга қўйиб, электротрансформатор сотиб олдик. Мақсадимиз адирликдан сув чиқариб боғ яратиш эди. Мутахассислар 70 метр ер остидан сув чиқариб берди. Қўйил қолдик. Неча асрлардан буён оқар сув қўрмаган бепоеён адирликни жаннатга айлан-тирдик. Ҳар биримиз 1 минг 500 юз тупдан ток қўчатишни экдик. Бугун кўм-кўк боғларни қўриб кўзингиз қувонади.

Қишлоқдан унча узоқ бўлмаган бепоеён адирликда ҳаёт кайнамоқда. Тўғриси, бу манзарани кўриб қўйил қолдим. Инсон қўли гул деб шунга айтса керак-да. Гўё бепоеён адирликда янги кичкина шаҳарча пайдо бўлган. Адирликдаги боғлар электр нурида кечкурунлар ўзгача тароват касб этади. Ёшлар яратиш ишқи билан яшамоқда. Боғ яратмоқда. Қўчат экмоқда.

Биз XXI асрда яшаймиз. Дунё бўйича барча соҳаларда олимлар янгиликлар яратмоқда. Улар дунё ахли яхши яшасин, дастурхони тўкин бўлсин, деган ниятда мевали дарахтларнинг янги интенсив навларини яратмоқда.

Бу борада олимларимиз ҳам юртимиз аҳолисини мева, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида тинмай изланишлар олиб бормоқда. Боғдорчилик соҳасида хорижлик ҳамкасблар билан тажриба алмашмоқда.

— 2010 йил республика раҳбариятининг ташаббуси билан интенсив технологиялар асосида парваришланадиган пакана ва ярим пакана олма, нок, олхўри, гилос ва шафтоли қўчатлари илк бор Украина ва Польша давлатларидан олиб келиниб, асосан Тошкент ҳамда Самарқанд вилоятларининг фермер хўжалиқлари ер майдонларига экилди. Улар мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим

шароитига тез мослашиб, қисқа муддатда орадан бир йил ўтиб, мевали боғларнинг ҳар бир гектаридан 50-70 центнергача ҳосил олишга эришилди, — дейди Р.Шредер номи боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори Шермухаммад ЮСУПОВ. — Интенсив боғларда олма дарахтининг қўчатлари тез ҳосилга қиради, гектарига қўчат сони қалин экилиши (2000-2500 дона) сабабли ҳосилдорлик юқори бўлади. Пакана пайвандтада ўстириладиган олма навлари иккинчи йилдан ҳосил бера бошлайди ҳамда 4-5 йилдан бошлаб 40-60 тонна ҳосил олинади.

Интенсив боғлар деганда фақат олманинг навилини тушуниш нотўғри. Яратилаётган интенсив боғларимизда олмадан ташқари нок, беҳи, ўрик, олхўри, шафтоли, гилос ва хурмо навларининг ҳам қўчатлари экилмоқда.

Келгусида яратиладиган интенсив боғлар асосан мавжуд боғларни яхши навлар билан ёшлатириш ва эски, қариб қолган боғлар олиб ташланиб, улар ўрнида янгилиги барпо этилади. Келажакда янги боғларимиз асосан эскиларини қайта таъмирлаш ва илгор агротехникаларни қўллаш ҳисобига ортиб боради.

Соҳага қаратиладиган эътибор туфайли мева ва узум етиштириш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Хусусан, 2012-2014 йилларда сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди. Уларнинг экспорт ҳажми ҳам мутасил ортиб бораётди. Бугунги кунда юртимизда етиштирилган мева ва полиз маҳсулотлари Германия, Хиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, АКШ, Жанубий Корея, Туркия ҳамда МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.



Соҳага қаратиладиган эътибор туфайли мева ва узум етиштириш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Хусусан, 2012-2014 йилларда сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди.

Узбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилинишича, бундай боғларни кенгайтириш, уларни деҳқон ва фермер хўжалиқларида барпо этиш мақсадида аниқ манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Сўнгги тўрт йилда 14 минг гектарда тез ҳосилга қирадиган интенсив боғлар барпо этилди. Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 1300 гектардан, Навоийда 750 гектар, Қашқадарёда 600, Сурхондарё, Наманган ва Андижон вилоятларида 400 гектардан пакана ва ярим пакана боғлар барваж ривожланмоқда.

Ўтган йиллар давомида қарийб 100 минг гектарда мевали боғ ва токзорлар барпо этилди. Кейинги уч йилда 22

минг гектардан зиёд майдонда илмий асосланган интенсив боғ ташкил қилинди. Ютуқлар замирида академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ҳам муносиби ўрни бор. Институт олимлари томонидан мева-узумнинг янги, ноёб, совуққа, қурғоқчиликка чидамли, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос серхосил янги навлари яратилмоқда. Хусусан, 2000-2015 йилларда мева-узумнинг 32 нави Давлат нав синаш комиссиясига топширилиб, унинг 23 нави давлат реестрига киритилди. Кейинги 15 йилда олманинг 9, нокнинг 2, шафтоли, гилос, узум, қулупнай, ли-

мон, апельсин ва мандариннинг 1 тадан, олтинсимон қорагатнинг 4 нави давлат реестрига киритилди. Истиқболли мева дурағайлари ҳамда навлари коллекция майдонларида олманинг янги 32 дурағайи ва 44 нави, нокнинг 32, ўрикнинг 15, шафтолининг 30, йирик мевали олчаннинг 17, олхўрининг 12, гилоснинг 15, резаворлардан қулупнайнинг 58, қорагатнинг 45, цитрус ўсимликларининг 15 нави ўрганилмоқда. — Селекционер олим ва мутахассисларимиз юртимиз тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудудга мос янги навлар яратмоқда, — дейди институтнинг мева-резавор экинлари селекцияси ва уни

ўрганиш бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фаълари номзоди Равшан Абдуллаев. — Бунда маҳаллий ва чет эл навлари таҳлил қилиниб, улар орасидан истиқболли янги навлар саралаб олинмоқда. Янги навлар ичида қурғоқчиликка чидамлилари алоҳида ўрин тутади. Буларга олманинг "Гўзал", "Қизил тарам олма", "Чўлпон", "Ойдин", "Нафис" навлари, нокнинг "Кулола-2", беҳининг "Изобильная", "Самарқандская крупноплодная", "Мушк беҳи", олхўрининг "Чернослив Самарқандский", гилоснинг "Клон Эльтона", ўрикнинг "Бобо Ражаби", шафтолининг "Шарқ", қорагатнинг "Сиома", "Рухона", "Ирода", узумнинг "Ризамат", "Кишмиш Ботир", "Ранний Шредера", "Хусайне мускатный" ва "Кишмиш Малика" навлари, айникса, миришкорларимиз томонидан кенг эътибор этилмоқда.

Аваллига интенсив боғлар учун қўчатлар хориждан олиб келинади. Эндиликда пакана ва ярим пакана қўчатларни ўзимизда қўлайтириш мақсадида пайвандтаглар келтирилиб, Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига фермер хўжалиқларида оналик қўчатзорлар барпо этилди. Ҳозирда институтда ярим пакана мевали қўчатлар етиштирилиб, боғбонларга етказиб берилаятир.

Катта ўзбек тракти йўлдан Тошкентдан Самарқандга автотўловда борган бўлсангиз Самарқанд вилояти ҳудудига кириб 15-20 километр юрсангиз Булунгур тумани ҳудудига кириб борасиз. Кўп ўтмай йўлнинг чап томонида "Фозил Йўлдош хўжалиги", деган ёзувга кўзингиз тушади. Бу хўжаликни самарқандликлар олманинг макони, дейишади. Ҳар

Интенсив боғлар деганда фақат олманинг навилини тушуниш нотўғри. Яратилаётган интенсив боғларимизда олмадан ташқари нок, беҳи, ўрик, олхўри, шафтоли, гилос ва хурмо навларининг ҳам қўчатлари экилмоқда.

бир оиланинг томорқасида 20-30 тупдан олма дарахти ўсади. Яқинда ана шу хўжаликда бўлдим. Йўлнинг ёқасида тўхтаб олма тераётган боғбонлар билан гаплашдик.

— Бу йилги ҳосилимиз ҳар йилгисидан мўл бўлди, — дейди боғбон Тўхтасин ака Асадов. — Кўраясизми, мўл ҳосилни кўтара олмай олма дарахтларимиз синиб кетаяпти. Ҳарна юки камайсин, деб пишган ҳосилни териб олаймиз. Лекин боғларимиздаги олма дарахтлари "қарияпти". Секин-аста янгилаб бораёلمиз. Қўшни хўжалиқларимизда боғбонлар интенсив боғларга ўтаяпти. Чунки бу олма дарахтлари тез ҳосилга қиради. Энг асосийси, қўшни ва сувни яхши кўради. Олманинг мазаси масаласига келсак, маҳаллий нав олмага тенг келмайди.

— Ўтган йили Москва шаҳрига олма олиб бордим, — дейди Тўхтасин аканинг шогирди Дўстбек ака. Харидорлар бир пастда менинг олма-ларимни талаб кетишди. Маҳсулот Ўзбекистонники эканини билишди-да. Айрим давлатлардан келтирилган чойнакдек олмага харидорлар қарамайди. Қўш нурига тўймаган олма-ларнинг мазаси йўқ. Нордон. Бизнинг олмамизни ширин қилган юртимиз суви, тупроғи, қўши. Қолаверса, боғбонларимизнинг меҳнати.

Бизнинг халқимиз ризқли халқ. Бугун қайси бир қишлоқ ва маҳаллага борманг 3-4 та тўйнинг устидан чиқасиз. Дастурхонларимиз ўзимизнинг боғларда пишган сара мевалар билан тўла. Ўзбек ховли олса унга кира солиб миллик олмайд, аввало, яхши ниятда мевали дарахт экади. Фарзандларимга боғ қолсин деб.

Зайинддин
ОЧИЛБЎЙ ўгли
журналист

Масъулият ва зарурат

Солиқларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг қонуний бурчимиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституциясининг 51-моддасида "Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар", деб белгилаб қўйилган. Зотан, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг қиёфасини ўзгартириш ва ободлаштириш, энг асосийси, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш каби мақсадларга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макрорегионал кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджетни параметрлари тўғрисида"ги Қарори асосан 2016 йилда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари ўзгартириш киртилган.

Хусусан, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган умумий майдони 200 кв. метрга ча қўйилган бўлган тураржойлар ва квартиралар учун 1,8 фоиз миқдорда белгиланган.

Жисмоний шахслар мол-мулкига баҳоланган бўйича ваколатли органлар томонидан белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаганда, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20328 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8833,0 минг сўм миқдорда мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Умумий майдони 500 кв. метрдан ортиқ бўлган тураржой ва квартиралар учун эса 2,5 фоиз миқдорда белгиланган.

Шунингдек, бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв. метрдан ортиқ бўлган тураржойлар ва квартиралар учун 1,8 фоиз миқдорда белгиланган.

Бундан ташқари, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мол-мулкнинг инвентаризация қиймати

кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб белгиланади, бироқ 3 000 сўмдан кам бўлмаслиги кераклиги белгиланган.

Солиқ кодексининг 276-моддасига асосан жисмоний шахслар томонидан солиқ солинадиган объектлардан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда ёхуд уларни юридик шахсга ёки яқна тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан тураржой фонди объектлари нотуражой фонд тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотуражой фонди объектлари мулк сифатида харид қилинганда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланиши кўрсатиб ўтилган. Яъни, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 2016 йилда 5 фоизда белгиланган. Жисмоний шахс ёки оилавий корхона тураржойдан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, мол-мулк солиғи жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан

ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексининг 120-моддасига асосан белгиланган муддатдан кечиктириб тўланган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,033 фоиз миқдорда пеня ҳисобланади. Бундан ташқари, Ер кодексининг 36-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғини мунтазам равишда тўламай келаётган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Бир сўз билан айтганда, мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш жисмоний шахсларнинг қонуний бурчи бўлиб, ундан бўйин товлашга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, бундан тушади қонун маблағлар маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, аҳоли манфаатларини таъминлаш, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилишини унутмайлик.

Юнусжон НАСИМЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Мулоҳаза

Орзу-ҳавас пушаймонга айланмасин

ИНСОН дунёга келар экан умр мазмунини фарзандларининг бахту камалида кўради. Бу дунёнинг энг гўзал ҳодисаси туғилиш, жондан жоннинг бунёд бўлишидир. Энг зўр мўъжиза эса фарзанддир.

Мамлакатимизда соғлом ва ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган эзгу ҳаракат ана шундай улғу мақсадлар асосига қурилган. Афсуски, орамизда шундай ота-оналар учрайди-ки, ўз фарзандларининг тақдирдан ҳою ҳавасни устун қўйиб, боламини, у-жойимни беғонага бермайман деб, қизини яқинига узатиб, ўғлини қариндошига уйлантиради. Бу иши билан аслида ўз суягига ўзи болта ураётганини кеч англайди.

Шу ўринда бир мисол келтирсак:

Улар ҳаммаша бирга эдилар: пешингача ўқишда, кейин жамоат ишларида. Уларнинг ўртасида муҳаббат қачон пайдо бўлганини на ўзлари, на атрофдагилар билади. Бир кун ётоқхонага Дилдорани (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир йигит излаб келди. Ҳамжоналари дам олаётгани учун у меҳмон билан йўлак бошида туриб гаплашди. Қандайдир иш билан Дилдоранинг олдида келаётган Мурод уларни кўриб, ёмон аҳволга тушиб қолди. Дилдора "ҳоламнинг ўғли", деб таништирган йигитнинг суқла-ниб қарашлари унга ёқмади. Хонасига қайтиб келиб, "менга нима? Дилдора менга ваъда берганмиди, бунча қуяман?", деб ўзини қанча оутмасин, бўлмади. Шу кеча ухлай олмади, ўйлаб-ўйлаб англаб етдики, у Дилдорани севиб қолган!

Лекин ўзи англаган ҳақиқатни Дилдорага айти олмай кўп қийналди. Аксига ўша кун кўрган йигит Дилдорани излаб келишдан тўхта-

мас эди. Уларни гаплашиб туришлари Муроднинг юрак-бағрини тилка-пора қилиб ташларди. Охири чидай олмайди, у билан йигитчасига гаплашди:

— Унга Дилдоранинг атрофида кўп айланма, у меники, — деди очикдан-очик.

— Тушининг сувига айт, биз болаликдан унаштирилганмиз. Яқинда тўйимиз ҳам бўлади, — деди йигит.

— Чорасиз қолган Мурод унинг жағига болаб туширди. У ҳам қараб турмади. Икки "шер" роса бир-бирини мушт билан "сийлади".

Мурод ҳеч нарса дея олмаган бўлса ҳам Дилдора уйдагиларининг тўй ҳақидаги режаларини кескин рад этди.

— У ҳоламнинг ўғли, мен уни ўз акамдай кўраман. Унга турмушга чиқини тасаввур ҳам қила олмайман. — Бахонангни йиғиттир. Агар Мурод деган курсдошинг учун рад жавобини бераётган бўлсанг, асло унга турмушга чиқмайсан. Бугун унаштириш маросими, ёзда тўй бўлади.

Дилдоранинг юраги тўхтаб қолди деди. У ростдан ҳам ҳоласининг ўғлига турмушга чиқини тасаввур қила олмас эди. Бундан ташқари, Мурод унга ҳеч нарса демаган бўлса-да, унда кўнгли борлигини билар ва ўзи ҳам унга бефарқ эмас эди. Онасига йиғлади, фойдаси бўлмагач, ҳоласининг олдида борди. Барча уринишлари бейфойда эди. Ниҳоят тўй ҳам бўлиб ўтди.

Дилдора ота-онасининг зуғумидан қўрқиб қариндошига турмушга

чиққанидан афсусда эди. Аммо бўлар иш бўлди. Лекин Дилдоранинг кўнглига негадир чирок ёқса ёришмас эди.

Орадан ойлари ўтиб Дилдора тўнғич фарзандини дунёга келтирди. Афсуски, фарзанди ногирон туғилди.

Орадан вақт ўтиб Дилдора яна фарзандли бўлди. Аммо иккинчи фарзанд ҳам ногирон бўлиб туғилди. Ҳам устига яна ташвиш қўшилди.

Шундан сўнг ҳоласи: "шифокорлар айтаяпти, яқин қариндошлар никоҳдан шундай ногирон болалар туғиларкан. Энди ўғлини бошқага уйлантирмасам бўлмайди. Унга ҳам чирогини ёқадиган меросхўр керак", деб ўғлини бошқа қизга уйлантириб қўйди. Дилдоранинг ийтирнини эса ўзига қолдирди.

— Истасанг, шу ерда қолиб яшайвер. Болаларингга қарайми. Истасанг, болаларингни ногиронлар уйига топширгин-да, отангнинг уйига кетайвер.

Дилдора икки ўртасида қолган эди.

Кетай деса, икки ногирон бола билан онасининг уйига қандай боради. Қолай деса, бу рўзғорда унинг учун милт этган меҳр чирोगи йўқ. Бунинг устига қундош азоби қўшилса...

Болалардан воз кечай, деса уларда нима гуноҳ, сира қўзи қўй...айди. Тилсиз, жағсиз, ёрдамга муҳтож шўрлик болаларни ногиронлар уйида қолдиришни тасаввур ҳам қила олмайди...

Афсуски, ҳаётда Дилдорадек ота-она орзу-ҳавасининг қурбони бўлганлар оз эмас. Балки "қуда бўлдим жудо бўлдим", "Ўзимники ўзагимни ўзди" қабилдаги мақоллар ана шундай тақдирларнинг изтиробларидан туғилгандир. Халқимизда "Одамнинг ўзи эмас, уруғи минг йил яшайди" мақоли бежиз айтилган эмас. Бу янгли ҳолат биринчи авлодда учрамаса-да, барибир кейинги авлодларга таъсир қилиши, ҳатто қариндошлик никоҳлари бепуштлиққа ҳам олиб келиши мумкин, — дейди мутахассис шифокорлар.

Муҳаббат ЧОРИЕВА,
Денов туман ФХД
бўлими мудираси

Эртага — Бутунжаҳон ўқитувчилар куни

Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса

касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир

МАЪЛУМКИ, ҳар йили дунё ҳамжамиятида 5 октябрь — "Бутунжаҳон ўқитувчилар куни" сифатида нишонланади.



...Илм учун бизга бўлақлар каби гайрат лозим, Илм учун бизларга муаллимларга диққат лозим, Илм учун бизга мурувват била ҳиммат лозим, Илм учун бизга тараддуд била ҳидмат лозим...

риф берилган. Хусусан, бу категорияга бошлангич ва ўрта мактабларда болаларни тарбияловчи педагоглар назарда тутилган.

шанбасида, Ҳиндистонда эса 5 сентябрда байрам сифатида нишонланади.

Жамиятдаги бу касб эгаларининг ҳар қандай мамлакат тараққиётидаги ўрни стратегик муҳим аҳамият касб этиб, ЮНЕСКО статистика институтининг маълумотларига қараганда, 2020 йилга келиб дунё давлатлари айнан шу соҳага, яъни 12,6 миллион кишини жалб этиши мақсадга мувофиқ.

цияни — келажакка киритилган инвестиция, деб баҳолайди. Републикаимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳам ўқитувчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтган эди.

— УЗОК йиллардан буйинг тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман. Айтингчи, ҳўжалик судига электрон даъво ариза киритиш мумкинми? Ч.АЛИМУРОВА, Тошкент шахри

Хўжуқий Маслаҳатхона. — УЗОК йиллардан буйинг тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман. Айтингчи, ҳўжалик судига электрон даъво ариза киритиш мумкинми? Ч.АЛИМУРОВА, Тошкент шахри

Жаҳон тарихида педагогика институтининг вужудга келиши Қадимги Римда педагоглар болаларга турли фанлардан махсус билимлар бериш билан бир қаторда, уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари юксалишида ҳам астойдил меҳнат қилган.

Шарқда ҳам қадимдан таълим-тарбия билан шуғулланган устозларга доимо юксак эҳтиром кўрсатилаган. Жумладан, буюк шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий бу хусусда шундай деган эди: "Ҳақ йўлида ким сenga бир харф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз гача ила".

Хусусан, Австралида октябр ойининг сўнгги жума кунинда, Аргентинада — 11 сентябрда, Арманистон, Озарбайжон ва Эстонияда 5 октябрда, Беларусъ, Қозғистон ва Қирғизистонда октябр ойининг биринчи як-

шорнинг "Бизга ўқитувчилар керак", деб эълон қилиниши, федерациянинг ёшларни керакли касбга йўналтиришга чорло-

она тилимизда "мактаб кўрган", "мактаб яратган" деган чуқур маъноли ибораларнинг мавжудлиги ҳам бу муқаддас даргоҳнинг, заҳматқаш ўқувчи меҳнатининг давлат ва жамият ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутишидан далolat беради".

Мамлакатимизда ўқувчи ва мураббийлар меҳнатини юксак қадрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳам бир қатор чоралар тадбирлар амалга оширилган бўлиб, унга кўра, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқувчиси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" каби фахрий унвонлар таъсис этилганлиги ҳамда таълим ва тарбияга оид кўпгина қонун ва қонунчи ҳужжатларининг қабул қилинганлиги бунинг яққол исботидир.

Мамлакатимизда бундан буйинг ҳам ўқувчилар меҳнатини муносиб баҳолаш ва таълим-тарбияга оид ишларни янада ривожлантириш жамиятда юқори малака, юксак сийёсий-ҳуқуқий маданиятга эга бўлган фуқароларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Фарҳод ҲАЙИТБОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Таълим бўлими мудири, юридик фанлар номзоди

Хўжуқий Маслаҳатхона. — УЗОК йиллардан буйинг тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман. Айтингчи, ҳўжалик судига электрон даъво ариза киритиш мумкинми? Ч.АЛИМУРОВА, Тошкент шахри



Эълонлар

"Farg'ona mulk savdo" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олтиариқ туман СИБ томонидан, ЖИБ Риштон туман судининг 26.03.2012 йилдаги №1-27 сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Олтиариқ туман "11-Автокорхона" МЧЖда сакланган: 1. 1989 йилда и/ч, д/б 400 316 DA, оқ рангли, "Мерседес Бенц" русумли микроавтобус. Бошлангич баҳоси 3 982 935 сўм. 2. 1980 йилда и/ч, д/б 15В 34-60, оқ рангли, "FORD TRANZIT" русумли юк автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 2 803 410 сўм. Олтиариқ туман СИБ томонидан, ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 03.08.2012 йилдаги №1-550-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Олтиариқ туман "11-Автокорхона" МЧЖда сакланган: 3. 1980 йилда и/ч, д/б 15Т 1733, оқ (беъий) рангли, "Мерседес Бенц" русумли микроавтобус. Бошлангич баҳоси 3 717 407 сўм. 4. 1988 йилда и/ч, д/б 15В 2132, оқ (беъий) рангли, "Даймлер Бенц" русумли юк автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 6 257 754 сўм. 5. Олтиариқ туман СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 25.04.2013 йилдаги №1-262/13-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, К.А.Рашидовга тегишли Олтиариқ туман, 10-сонли автоҳўжаликда сакланган, 1976 йилда и/ч, д/б 86-16 ФР, қўқ рангли Т-28Х4 русумли трактор. Бошлангич баҳоси 1 540 280 сўм. Марғилон шаҳар СИБ томонидан, ФВХ судининг 10.04.2015 йилдаги 15-1504/7977-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Марғилон шаҳар Ж.Рўқий қўчаси, 42-уйда сакланган: 6. 1989 йилда и/ч, д/б 40 678 HAA, оқ рангли, "ГАЗ-572" русумли автобус. Бошлангич баҳоси 3 031 852 сўм. 7. 1979 йилда и/ч, д/б 15AK 813, оқ рангли, "ГАЗ-572" русумли автобус. Бошлангич баҳоси 1 819 081 сўм. 8. 1976 йилда и/ч, д/б 40 688 HAA, оқ рангли, "ГАЗ-572" русумли автобус. Бошлангич баҳоси 5 255 383 сўм. 9. 1979 йилда и/ч, д/б 15AK 816, сариқ рангли, "ГАЗ-5204" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 2 857 784 сўм. 10. и/ч йили номалум, "Автокара" русумли. Бошлангич баҳоси 15 609 821 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 9 октябр кунин соат 14:00 да бўлиб ўтади. Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилиниши охири мuddати: 2016 йил 17 октябр соат 18:00. 11. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона туманлараро судининг 29.09.2015 йилдаги №1-6730/15-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Максад Зилта Сервис" х/к оғиборида сакланган, и/ч йили номалум, д/б 08214U, оқ рангли, "Тико" русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 25 532 014 сўм. 12. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона туманлараро судининг 22.06.2015 йилдаги №14241/15-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Фарғона Терминал Савдо" х/к оғиборида сакланган, и/ч йили номалум, д/б АВ8 61А, қизил рангли, "Тико" русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 17 976 861 сўм. 13. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона туманлараро судининг 22.06.2015 йилдаги №4389-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Фарғона Терминал Савдо" х/к оғиборида сакланган, и/ч йили номалум, д/б 47785K, қизил рангли, "Тико" русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 17 152 150 сўм. 14. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 26.11.2014 йилдаги 1-333/14-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Фарғона Терминал Савдо" х/к оғиборида сакланган, 2013 йилда и/ч, д/б 40 0876 LA, Нексия-2" русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 3 917 500 сўм. 15. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона туманлараро судининг 02.12.2014 йилдаги 1-7019/14-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Жигули сервис" х/к оғиборида сакланган, и/ч йили номалум, д/б 40 В 179 BA, "Москвич 412" русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 576 839 сўм. 16. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Бошқалъа тумани судининг 09.09.2014 йилдаги 5-853/14-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Фарғона Терминал Савдо" х/к оғиборида сакланган, 1996 йилда и/ч, д/б мавжуд бўлмаган, "Нексия-1" русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 31 177 241 сўм. 17. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона тумани судининг 08.08.2014 йилдаги 1-208/12-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Максад Зилта Сервис" х/кда сакланган, 1977 йилда и/ч, д/б 40 X 654 KA, "Ваз-2106" русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 1 190 572 сўм. 18. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона тумани судининг 10.11.2014 йилдаги 1-464/14-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Терминал савдо" х/кда сакланган, и/ч йили номалум, д/б 15S 62-19, "Ваз-2101" русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 929 851 сўм. 19. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 19.06.2014 йилдаги 1-91/2014 сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Максад Зилта Сервис" х/кда, и/ч йили номалум, д/б 15V 53 00, и/ч йили номалум, "Форд" русумли енгил автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 1 180 572 сўм. 20. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 19.11.2012 йилдаги 1-176- сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Терминал савдо" х/кда, 1989 йилда и/ч, д/б 40W 918 AA, "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 2 745 268 сўм. 21. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 16.08.2013 йилдаги 1-187/13-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Терминал савдо" х/кда, 1992 йилда и/ч, д/б 40W 749 EA, "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 14 715 180 сўм. 22. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 20.07.2015 йилдаги 5-2202/15-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Терминал савдо" х/кда, и/ч йили номалум, д/б мавжуд бўлмаган, "ГАЗ 2410" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 16 088 321 сўм. 23. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 04.09.2015 йилдаги 5-2311/15-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Терминал савдо" х/кда, и/ч йили номалум, д/б мавжуд бўлмаган, мототранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 1 476 225 сўм. 24. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона тумани судининг 22.10.2015 йилдаги 5-501/15-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Терминал савдо" х/кда, 1991 йилда и/ч, д/б 15U54-51, "Ваз-3151" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 4 245 318 сўм. 25. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Аскада тумани судининг 24.08.2012 йилдаги 579-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, "Инспиратория линия ускуналари". Бошлангич баҳоси 198 452 479 сўм.

26. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, СИБ Фарғона туманлараро судининг 27.01.2014 йилдаги 1-962/14-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Фарғона Терминал Савдо" х/кда, и/ч йили номалум, д/б 15V 45-46, "Газ-968" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 229 618 сўм. 27. Тошқоқ тумани СИБ томонидан, ЖИБ Марғилон шаҳар судининг 08.10.2013 йилдаги 1-262/13-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Тошқоқ тумани "Шоуркунон фойз" х/кда, д/б 17 Т 32-38, 1978 йилда и/ч, "ГАЗ -24" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 1 549 801 сўм. 28. Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона туман судининг 08.02.2015 йилдаги 1-37/15-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Терминал савдо" х/кда, и/ч йили номалум, д/б 40 X 538 BA, "Ваз-2101" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 1 370 158 сўм. 29. Қўқон шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 28.10.2014 йилдаги №1-198/14 сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Энерготельмер" ОЖАнинг 11-шеҳида сакланган, "ТМН а 6300/110/6" русумли трансформатор. Бошлангич баҳоси 193 929 451 сўм. 30. Қўқон шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 23.09.2013 йилдаги №1-90 сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Фарғона шаҳар "Терминал савдо" х/кда сакланган, и/ч йили номалум, д/б 15 1 96-28, "Москвич-2137" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 458 430 сўм. 31. Қўқон шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 04.08.2015 йилдаги иккоро ҳужжати асосан хатланган, Қўқон шаҳар ИИБда сакланган, 2007 йилда и/ч, д/б 50 Т 358 GA, "DAIMLER Chrysler" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси 215 942 123 сўм. 32. Қўқон шаҳар СИБ томонидан, ФВХ судининг 13.10.2010 йилдаги 15-10-02/24166-сонли иккоро ҳужжати асосан хатланган, Қўқон шаҳар ОХ олтин ММТПда сакланган, 1998 йилда и/ч, д/б 55-12 EM, "Т-28Х4" русумли трактор воситаси. Бошлангич баҳоси 1 972 186 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 4 ноябр кунин соат 14:00 да бўлиб ўтади. Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилиниши охири мuddати: 2016 йил 2 ноябр, соат 18:00. Аукцион савдосига чиқариладиган мулк билан расмий иш кўнлари соат 18:00 гача қадар тегишли Суд иккоро бўлими вакили иштирокчи ҳолига чиқиб танишиш мумкин (13:00 д/н 14:00 гача тушлик). Савдо гоилиб деб топилган шахсга 5 (беш) банк иш кўн ичида мулкнинг сотиб олиш қўлатини "Савдо ташкилотчиси" ҳисоб рақамига ўрик тўлиш мажбурияти қўлатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза (буярувчинома), закалат пули тўлиниши ҳақидаги тўлов ҳужжати нуқсани, вакиллар ун ишоннома тақдими этилади. Талабномалар савдо ташкилотчиси билан тузилган ҳам закалат қилишга асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули "Farg'ona mulk savdo" МЧЖнинг "Трастбанк" Фарғона филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: МҚФ: 01123. СТИР: 303823262. х/в: 2260400600596714001. Аркавлари қабул қилиш ва савдо ўтказиш мазлиси: Фарғона шаҳри, Маърифат қўчаси, 22-уй, 3-қо'на. Тел.: (0-573) 244-15-29. www.mulksavdo.uz. Гуярувчинома: 131.

"Farg'ona mulk savdo" МЧЖда 2016 йил 30 августгача бўлиб ўтган савдо натижалари

Table with 4 columns: №, Савдоси ташкил этилган объектлар номи, Бошлангич баҳоси, Сотилиш баҳоси, Савдоси ташкил этилган сана. It lists various auction results for vehicles and machinery.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАЛЛОВ ўтказишни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Наманган вилояти Наманган шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАЛЛОВ ўтказишни ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар. Қашқадарё вилояти Нишон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар. Сурхондарё вилояти Дёнов туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар. Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар. Фарғона вилояти Фарғона шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар. Талловда катнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Комиссия номига ариза; 2. Паспорт нуқсани; 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа; 4. Меҳнат дафтаридаги нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нуқсани; 5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломни нотариал тасдиқланган нуқсани; 6. Талабномани малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимда уч йил мобайнида ишлаган талабномалар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма); 7. Охири иш жойидан берилган меҳнат фойлияти тўғрисидаги тасдиқнома. Талловда йиғирма беш ёшдан кўчак бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камда уч йил мuddатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин. Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишни охириги санаси 2016 йил 3 ноябр) Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида", деб номланган китоби халқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига қўшилган бебаҳо бойлиқдир. Мазкур китоб мамлакатимизнинг истиқлол тарихини ўрганиш ва англашда беқиёс аҳамият касб этади.

Китоб шаклида чоп этилган бу чиқишларнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида", деб номланиши бежиз эмас. Бу китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг ўлкамиз, яъни мамлакатимизни чуқур инкироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади.

Китобга киритилган нутқ ва маърузаларда ўша даврдаги ўта драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларда юз бергани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатлари атрофлича ёритиб берилган.

Шундай экан, китобдаги ҳар бир чиқиш асосида тўпланган материалларни китобхон, айниқса, ёшларимиз мутлолаа қилиш жараёнида, биз янги тарихимизнинг ўзимиз билмаган, англамаган яна кўплаб қирраларини янгитдан чуқурроқ англаймиз.

Зеро, китобда мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989-1991 йилларда) олиб борилган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятни акс эттирадиган маъруза ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервьюлар ўрин олганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ҳеч муболагасиз, ушбу тўпلامдан жой олган ҳар бир чиқишни муҳим сиёсий воқеа, юртимизни миллий истиқлолга олиб келган машаққатли ва шарафли кураш тарихининг ўчмас саҳифаси, деб аташ мумкин бўлади.

Аянчли бир ҳолат, 1989 йил 25 июнь куни таҳликали ва ўта саросимага тушган, ёнгиналарга қўйилган уйлари, қаҳр-ғазабга тўлган Фарғона воқеалари даврида йўлбошимчи одамларнинг ичига кириб боради ва ўзининг қорақалли сулуари билан уларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам

қўйиб, сўнган умид учқунларини уйғотади ва ниҳоят фожиа оқибатларини бартараф этишнинг амалий ечимларини ишлаб чиқиб, уни изчил амалга оширади.

1989 йил 17 августда "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида"ги Қарор қабул қилинди.

Бу ғоя ва ташаббус, матонат ҳали собиқ СССР амалда бўлган давридаёқ Ўзбекистонда амалга оширилиб, унинг натижасида қишлоқларда ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилиб, 1989-1990 йилларда 1,5 миллиондан кўп оилага қўшимча ер ажратилиб, 700 минг оила янги томорқа билан таъминланди. Бу эса аграр соҳадаги энг олий ва тақдорланмас юришлардан бири бўлди. Бундан ташқари, юз минглаб гектар сўғорма ерлар техник экинлар оборотидан чиқарилиб, пахта етиштириш режаси 700 минг тоннага камай-тирилди ва пахта яққақимлигига чек қўйилди.

Китобдаги яна бир тақдорланмас воқеа, ҳали собиқ СССР Президенти лавозими бор пайтда, 1990 йил 24 март куни иттифокдор республикалар орасида биринчи марта Ўзбекистонда Президент лавозими жорий этилганлиги, бу ҳолат Марказ ва унинг раҳбарияти томонидан қаҳр-ғазаб ва ичкорулик билан қабул қилинганлиги, бундай шароитда раҳбарга жуда катта масъулият тушганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Шу ўринда, ўлкамизда дастлаб Президентлик институтига асос солинганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу эса, чинакам сиёсий ва маънавий жасорат намунаси бўлганлигидан фахрланасанк арзийди.

Китобда яна бир ҳолат, ўша оғир йилларда кескин муаммолар гирдобиде туриб, Ўзбекистоннинг келажагини, айниқса, ёшлар келажагига буюк ишонч ва ёруғ истиқбол муаммоларини

ҳал этишга эътибор қаратилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан, 1990 йилда республикамизда илм-фан ва таълим соҳасининг моддий-техник базаси, кадрлар таркиби ачинарли аҳволга тушиб қолганлиги ва 1700 та мактаб биноси авария ҳолатида эканлиги сабабли келажақда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилиш госяи ўртага ташланди.

Китобда яна бир илгари суртилган ва таъкидлаб ўтилган ғоя, у шўро мафқураси чуқур илдиз отган ўша сиёсий муҳитда ҳам Юртбошимизнинг ҳар бир сўзида, ҳар бир чиқишларида халқимизнинг тарихи ва маданиятига, ўз она заминига, миллий қадриятларига улкан муҳаббат туйғуси ёрқин сезилиб туради. Шунинг учун ҳам мазкур китобдаги кўпгина материаллар бевоқифа миллий тикланиш, миллий ўзликини англаш, маънавият масалаларига бағишланади.

Шу маънода, китобда халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мустақид тузум даврида таққиланган Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини нишонлаш, динга ҳурмат билан муносабатда бўлишни қарор топтириш, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа азиз авлиёларимиз, Амир Темури, Жалолддин Мангуберди, Бобур сингари улўғ аждодларимиз хотирасига нисбатан тарихий адолатни тиклаш ҳақидаги фикр-мулохазалари, Қарор ва фармонлари ўз ифодасини топганлиги ҳам шулар жумласидандир.

Айни пайтда китобда кўрсатилган маърифатпарвар боболаримиз жадидчилик ҳаракати намояндларининг ҳаёти ва ижодида муносабат масаласида кўп йиллардан бўён давом этаётган баҳсларга оқилона чек қўйиб, уларнинг меросини халқимизга қайтариш йўлидаги принципиал фикрлари бу соҳада амалий ва ҳаётий аҳамиятга эга бўлади.

Китобда ўз аксини топган яна бир тарихий, ҳаётий, маърифий ва ҳуқуқий жараён "пахта иши" билан ноҳақ қамалган кўплаб инсонларнинг номи оқланганлиги халқимиз, бутун жамоатчилик томонидан мамнуният билан қўтиб олинганлиги ҳам ўта унутилмас воқеадир.

Ўша таҳликали йилларда рўй берган Фарғона, Гулистон, Бўка, Ўш, Наманган воқеаларига, тарихда "ГКЧП" деб ном олган,



СССР давлатининг сўнгги кунларида бир гуруҳ империялараст кучлар томонидан амалга оширилган сиёсий фитнага нисбатан қатъий позициясида туриб қилган чиқишлардан китобхон тўла маълумотга эга бўла олади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мос келмайдиган, СССРда фавқуллода ҳолат давлат комитетининг барча ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисидаги Фармони тақдорланмас буюк жасорат бўлди.

Натижада, 1991 йил 27 август куни оммавий ахборот воситаларида ЎзССР Президенти мамлакатимизнинг тўла мустақамлиги йўлида тамал тошини қўйган

Фармони қабул қилинди.

Китобда ўз аксини топган яна бир ҳолат ўта оғир шароит, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликларга, турли тўсиқларга қарамасдан, халқимиз ўзининг асрий орзуси — Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллиги сари қатъият билан эришган ютуғига эришганлиги алоҳида таъкидланди, 1991 йил 6 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида"ги Президент фармонлари ва бошқа сиёсий ҳужжатлар мустақилликнинг дастлабки ҳуқуқий, сиёсий, тарихий хусусиятини ўзида ифода қилди.

Нихоят халқимиз орзиқиб қутган кун келди. 1991 йилнинг 31 августи — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни деб эълон қилинди.

Китобда ўз аксини топган бу,

ва яна бир қатор ижобий харақатлар мустақилликнинг тақдорланмас госяини ўзида ифода этди. Эндиликда, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонуни, 1991 йил 5 сентябрда имзоланган Тошкент шаридаги В.И. Ленин номидаги майдонни "Мустақиллик майдони", деб номлаш тўғрисидаги, 1991 йил 6 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида"ги Президент фармонлари ва бошқа сиёсий ҳужжатлар мустақилликнинг дастлабки ҳуқуқий, сиёсий, тарихий хусусиятини ўзида ифодалаб берди.

Китобда ўз аксини топган, яъни она тилимизга юксак эътибор тўғрисида 1989 йил 21 октябрда

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги ҳам бетақдор буюк хизмат эканлигини билдиради. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китоб ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлганлигини, ҳозирги ва келажақ авлод олдига ибрат ва намуна бўладиган жасоратли буюк ишларни амалга оширганлигини, бундан кейин эса бу ғоя ва йўлни мустақам давом эттиришимиз зоримизнинг гуруру ва ифтихор билан таъкидлашга асос бўладиган госяларни ўзида ифода этганлиги билан ўта муҳимдир.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ, ТДЮУ профессори, юридик фанлар доктори

1989 йил 17 августда "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида"ги Қарор қабул қилинди. Бу ғоя ва ташаббус, матонат ҳали собиқ СССР амалда бўлган давридаёқ Ўзбекистонда амалга оширилиб, унинг натижасида қишлоқларда ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилиб, 1989-1990 йилларда 1,5 миллиондан кўп оилага қўшимча ер ажратилиб, 700 минг оила янги томорқа ери билан таъминланди. Бу эса аграр соҳадаги энг олий ва тақдорланмас юришлардан бири бўлди. Бундан ташқари, юз минглаб гектар сўғорма ерлар техник экинлар оборотидан чиқарилиб, пахта етиштириш режаси 700 минг тоннага камайтирилди ва пахта яққақимлигига чек қўйилди.

Халқаро анжуман

Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан ҳамкорликда, БМТнинг Ўзбекистондаги тараққийот дастури ва К.Аденатур жағмарасининг Марказий Осий бўйича ваколатхонаси кўмагида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини янада тақомиллаштириш бўйича долзарб вазифалар" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

этувчи норма ижодкорлиги жараёнининг муҳим босқичи бўлиб, у кўплаб ташкилий тадбирларни ўтказиш, зарур материаллар ва маълумотларни тўплаш, таҳлилий ишларни баҳариш, лойиҳа матнини тайёрлаш ва уни ҳар томонлама асослаб бериш, лойиҳани келишиш, унинг ҳуқуқий ва бошқа экспертизасини амалга оширишни талаб этади.

Халқаро семинар доирасида иштирокчилар эътиборига мамлакатимизда ўтказилаётган изчил ислохотлар мазмун-моҳияти Биринчи Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда етказилди.

Анжуманда Буюк Британия Парламенти Жамоалар палатасининг Тартибга солишни ислохот қилиш Қўмитаси раиси Эндриу Бриджен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларни, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини янада тақомиллаштириш ва қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари сифатини ошириш соҳасидаги ислохотларни ҳамда парламентнинг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида давлат бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини юқори баҳолади.

Халқаро семинар давомида ривожланган хорижий демократик мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда давлат органларининг сифатли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги фаолиятини янада тақомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий, шу жумладан, коррупцияга қарши ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини янада ривожлантириш, қонун ҳужжатларининг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш борасида халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда давлат органлари вакилларининг ушбу соҳадаги билимларини ошириш бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Экспертлар фикрига кўра, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ижодий ёндашуви, катта меҳнат, чуқур билим ва кўникмани талаб

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Эътибор

Чақалоқнинг ҳам ҳуқуқи бор



Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида "Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир", деб таъкидланади. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда белгиланганидек, 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон, агар муайян болага нисбатан қўланиладиган қонун бўйича у эртароқ вояга етмаган бўлса, бола ҳисобланади.

Жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оила ва табиий муҳит унинг барча аъзолари, айниқса, болалар ўсиб-ўлғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун жамият доирасидаги мажбуриятлари ўз зиммасига тўлиқ оладиган бўлишига эришиш мақсадида зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши лозим. Боланинг соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камол топиши учун у оила муҳитида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарур.

Бола жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланиши одил госялар руҳида, айниқса, тинчлик, қадр-қиммати ҳис этиш, сабр-тоқатлик, эркинлик, тенглик ва бирдамлик руҳида тарбияланиши лозим.

Бола жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаганлиги боис, алоҳида муҳофиза ва ғамхўрликка, шу жумладан, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам лозим даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниб, бунга асосан бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари белгиланган. Хусусан, бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари, боланинг

яшаш ҳуқуқи, боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи, боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, болаларни тарбиялаётган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, боланинг гайриқонуний қўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи, боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи, боланинг ахборот олиш ҳуқуқи, боланинг фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, боланинг ҳусусий мулкка бўлган ҳуқуқи, боланинг тураройига бўлган ҳуқуқлари, боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, боланинг дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи, боланинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи, боланинг билим олиш ҳуқуқи кафолати ва бошқа кафолатлар.

Сайёра САГДУЛЛАЕВА, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази эксперти

Акс-садо

Дарахтлар тириклик манбаи

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетасининг шу йил 20 сентябрь сонид...

Хонадонимиз сув бўйи яқинида жойлашган. Ёшлигимдан мевали ва манзарали дарахтларни парваришлашни хуш кўраман...

Буни ким қилаётганлигини аниқлаш учун кунбўйи пойлоқчилик қилдим...

— Кўйинг-э, ёлгон гапираяпсиз. Ҳеч замонда ҳам эси бор киши ширин уйқусидан воз кечиб...

Ийгитларнинг она табиятга бўлган муносабати мени хайратга солди. Ахир дарахт ҳам тирик мавжудот-ку...

Олимжон МАХМАТОВ, Олий тоифали шифокор, Каттакўрғон шаҳри

Шаҳар бедарвоза эмас

1996 йилнинг 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган...

Шунга қарамадан, тамаки маҳсулотларини ноқонуний йўллар билан республикамизга олиб киришга бўлган уринишлар учраб турибди...

Тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, акциз маркаси эҳуд бошқа давлатларнинг акциз ёрлиғига эга бўлган тамаки маҳсулотлари олиб кирилишининг олдини олиш божхона органлари зиммасига юкланган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади...

Пойтахтимиз божхона ходимлари томонидан мазкур ҳолатларга ўз вақтида чек қўйиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу турдаги қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинмоқда...

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Келес" темирйўл чегара божхона пости ходимлари томонидан "Москва-Тошкент" йўналишидаги поезд йўловчиларининг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганда...

ҳона назоратидан ўтказилганда, чет эл фуқароси Г. Лебедеванинг (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) қўл юклари орасида ноқонуний равишда олиб киришга уринган киймати 19 миллион сўмлик 950 қўти "Parliament" сигареталари борлиги аниқланди...


Шунга ўхшаш ҳолатда, мазкур йўналиш бўйича кириб келган поезд йўловчиси фуқаро Б. Санаев ҳам "кашанда" чқиб қолди. Қаранг-ки, у қиймати салкам 10 миллион сўм бўлган 480 қўти турли хил сигареталарни йўловчи божхона декларациясида қайд этишни гўёки унутиб қўйибди...

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда...

Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 мартда 412-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар

Тутамай ўчди

ёхуд божхона декларациясида кўрсатилмаган маҳсулот



томонидан акциз солиғи солинмай олиб кириладиган товарларнинг миқдорий чекланган нормалари

га мувофиқ, жисмоний шахслар йўловчи божхона декларациясининг тегишли бандида қайд этган ҳолда 10 қўтигача тамаки маҳсулотларини божхона чегарасидан эркин олиб киришларига рўхсат этилади.

Шу ўринда юртошларимизга божхона қоидабузарликлари ёки божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 120-76-76 — "Ишонч телефони" рақамига қўнғирок қилишлари мумкинлигини эслатиб ўташимиз.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Қийматини йўқотган ваъда

ҲАР бир оила авзолари ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, ишонч бўлади. Лекин афсуски, айрим ҳолларда мол-мулк, мерос масаласи пайдо бўлганда ўртадаги қариндошлик ришталари узилиб, бу инсоний туйғулар кифоя қилмай қолади...

Нормурод ота икки ўғлини уйли-жойли қилди, қизларини узатди, энди бемалол оёқ узатиб, қарилек гаштини сурсам, деб ўйларди. Аммо кексайиб, тобора куч-қувватдан кетган сари, кўзи очқилгида мол-мулкни болаларига тенг тақсимлаб бериш истаги унга тинчлик бермай қўйди...

Орадан икки йил ўтар ўтмас кекса отахон омонатини топширди. Шундан сўнг туғишган жигарлар ўртасида ҳам меҳр-оқибат ришталари узила бошлади, отага берилган ваъдалар ҳам ўз қийматини йўқотди...

Албатта, туғишган қариндошлар ўртасидаги ўзаро меҳр-мухаббат, сардоқат туйғулари дунёдаги жамики бойликдан афзал ва ҳамиша шундай бўлиб қолиши керак. Лекин мол-мулк ҳақида сўз кетганда, қонун доирасида иш қўриш мақсадида мувофиқдир. Ана шунда яқин қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат

асло дарз кетмайди, ҳамиша мустаҳкам бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонунига кўра, нотариал идоралар томонидан расмийлаштирилган кўчмас мулкка оид олди-сотди, ҳадя, айирбошлов шартномалари ва барча турдаги васиятномалар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада ҳимоя қилади, шунингдек, юқоридаги каби кўнглисиз ҳолатларнинг олдини олади...

Гулбахор ФАКИРОВА, Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идораси катта нотариуси

Шарҳ

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Сиз юборган хат-хабар ва мақолалар эътиборсиз қолмайди

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА республикамизнинг турли бурчакларидан ҳар куни кўп хат-хабарлар ва мақолалар келади. Газетамиз Адлия вазирлигининг ҳуқуқий наشري бўлганлиги учун муаллифларнинг асосий қисмини адлия органлари ходимлари ташкил қилади.

Жумладан, Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Жасурбек Юсуфалиевнинг — "Ижтимоий шериклик", Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими Айтмурат Халтураевнинг "Соҳилнинг у томонида", Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Шухрат Назаровнинг "Меҳнати — унинг бажарилмаслигининг ҳуқуқий оқибатлари" ва Дилшод Ҳакимовнинг "Мустақиллик фаровонлик тимсоли", Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари Махлиб Турдиева ва Суроб Мухаметқуловнинг "Нодавлат нотихорат ташкилотлар соҳасидаги қонунчилик тақомиллаштириш", Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Д. Исмаиловнинг "Миссионерликнинг салбий оқибатлари", Жиззах вилоят ад-

лия бошқармаси масъул ходими Шерзод Эрматовнинг "Электрон муқоабат", номли мақолаларида вилоят адлия бошқармаларида амалга оширилаётган ишлар борасида сўз юритилади. — Халқимизнинг энг гўзал кадриятларидан бири оилага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишдир. Шунинг учун ота-оналар қизларига ёшлигиданоқ ҳушмуомалаликка, меҳмондўстликка ва қайнона-қайнотасига ҳамда турмуш ўртоғига нисбатан ҳушфелъ бўлишга ўргатади, — деб ёзади Қамаша туман ФХДБ бўлими инспектори Санам Худойкулова. Зарбдор туман ФХДБ бўлими мудираси Муқаддас Ортиқованинг "Аёл борки...", Дўстлик туман ФХДБ бўлими мудираси Луиза Халитованинг "Гийҳвандлик ва ичкилик-бозлиқнинг оилага салбий

таъсири" номли мақолалари оила мавзусига бағишланган. Газетамиз саҳифаларида чоп этилаётган мақолаларнинг кўпчилигини давлат нотариал идораси ходимларининг муаллифлик мақолалари ташкил қилади. Жумладан, Учтепа туман 7-сон ДНИ катта нотариуси Дилдор Курбонованинг "Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси", Сирғали туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Хуршида Абдалимованинг "Мурожаат ортида инсон бор", Қумқўрғон туман 1-сон ДНИ нотариуси Н. Абдуллаеванинг "Одам савдоси — давр муаммоси", Наманган шаҳар 2-сон ДНИ нотариуси Элёр Кўчорованинг "Мулкдор ҳуқуқи", Зангиота туман 5-сон ДНИ нотариуси Умиджон Джалиловнинг "Тадбиркор ҳуқу-

қи", Гулистон шаҳар 4-сон ДНИ нотариуси Набижон Бадалованинг "Жазолаш эмас...", Пскент туман ДНИ нотариуси Умид Ниязованинг "Маҳалла — ҳуқуқий маданият ва таълим-тарбия ўчоғи", Чирчик шаҳар ДНИ нотариуси Нилуфар Нурматованинг "Болалар саломатлиги ва бахт-саодати йўлидаги саяё-ҳаракатлар юксак самара бермоқда", Зафаробод туман ДНИ нотариуси Туркул Завқиевнинг "Инсон ҳуқуқлари муқаддас" номли мақолаларида бугуннинг долзарб мавзулари тилга олинган. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги Академияси тингловчиларининг суд-ҳуқуқ ислохотларига оид мақолалар сони ҳам талайгина. Уларнинг кўпчилигини имкон қадар газетамиз саҳифаларида чоп этиб бораёпмиз. Айримларини


эса "Шарҳ" рукнида бериб бормоқдамиз. Булар жумласига ИИВ Академияси тингловчиси Абдуҷамол Мусурмонқуловнинг "Муомала маданияти", шу Академиянинг 4-курс тингловчиси Сирожиддин Ишпўлатовнинг "Фан-техника ютуқлари" номли мақолалари ана шулар сирасига кирилади. Кейинги пайтларда газетамизда ҳўжалик судлари фаолиятини ёритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бу соҳада ҳам ислохотлар дадиллик билан одимламоқда. Соҳадаги ўзгаришларни ОАВда ёритишга судьялар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Олий ҳўжалик суди ходимлари Шаҳриёр Бакаев ва Шербек Назаровнинг "Мулкдор қонун ҳимоясида", Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди раиси ўрин-

босари Б.Убайдуллаевнинг "Ёруғ келажакимиз барқарор бўлсин", "Юксак марраларни кўзлаган авлод", Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг маслаҳатчиси Ш.Ғайбердиевнинг "Суд-ҳуқуқ ислохотлари йўлида", Андижон вилоят ҳўжалик суди раиси Анвар Шукруллаевнинг "Қонун ва ижро", Тошкент шаҳар ҳўжалик суди судьялари Б.Шомақсудов, Л.Носироваларнинг "Ишда иштирок этувчи шахслар" номли мақолалари шулар жумласидандир. Юқоридагилардан ташқари, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди раиси Шомурод Эргашевнинг "Электрон ҳуқуқ маърузасида"ги номли мақоласи "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизими янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорга бағишланган бўлса, ТДЮУ ўқитув-

чилари Хосиятхон Абдурахмонованинг "Никоҳ ва унинг масалалари" номли мақоласида оила мавзуси тилга олинади. Фариза Рамазанованинг "Маънавий иммунитет ва мустақил фикр" мақоласи эса ёшлар камолотига бағишланган. Шу университетнинг юридик фақлар номзоди, доцент Маҳмуд Нажимов ва Бекзод Умаровнинг "Жамоатчилик назоратини амалга ошириш" номли мақоласи ҳам долзарб мавзуга қаратилган. Таҳририятимизга ўз мақолаларини юборётган муаллифларнинг ёши ҳам, касби ҳам, лавозимлари ҳам турлича. Оқддий ўқувчида тортиб олим депутатларнинг бир-биридан сермазун, долзарб мавзуларда ёзилган мақолаларини ўқиб кўнглингиз тогдек кўтарилди. Жумладан, Олий Мажлис депутаты Нилуфар Саидхаметованинг "Инсон бахти", юри-

дик фақлар доктори Феруза Мухитдинованинг "Миллий ва маънавий қадриятларимизда огоҳлик", юридик фақлар доктори, профессор Шухрат Рўзиназаровнинг "Гаров реестри юритиш...", физика-математика фақлари доктори, профессор Мансурхон Тоировнинг "Зилзила", қизилтепалик Улугбек Каримовнинг "Довондаги ўйлар", ҳуқуқшунос Шамшид Абдувантовнинг "Меҳнат муносабатлари" номли мақолалари сўзимизга мисол бўлади. Таҳририятга ўз мақолаларини йўллаб биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган барча муаллифларга ўз миннатдорчилигимизни билдиримиз. Сизлардан сермазун, далилларга бой мақолалар кўтиб қоламиз.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, "Инсон ва қонун" муҳбири





Лоуренс БЛОК, Америка адиби

ШАРТНОМА

ҲИКОЯ

— АГАР ёш бўлганимда шу ишни ўзим ҳам уйдлардим, — деди Жон Харпер. — Револьверимни ўқлаб, тўртовиниям бирин-кетин отиб ташлардим. Қариянинг ёнида ўтирган Касл унинг гапини маъқуллаб бош ирғади.

— Гапларимга ҳайрон бўлаётгандирсиз. Банк ва савдо палатасининг президенти, Арлингтоннинг энг обрўли амалдори одам ўлдирмаган, деб турса ғалати эшитилади, албатта. Лекин бу тўрт касофат — Бэрн, Милейни, Холландер ва Росс шахримизнинг бошига битган бало бўлди. Шу тўртовни келганидан сўнг Арлингтонимиздан файз кетди. Шахримиз ўғри, йўлтўсар ва безориларнинг маконига айланди. Фоҳиша, қиморбоз, юлғичу фирибгарлар ҳаммаёқни босиб кетди. Тўртта мараз ҳамтовоклари билан бутун шаҳарни қўлга олди. Уларнинг мушугини пишт дейишга полициянинг ҳам ҳадири сизмайди. Шунинг учун сизни ёрдамга чақирдишга мажбур бўлдим.

— Лекин мен пулга ишлайман, мистер Харпер, — деди Касл жилмайиб.

— Хабарим бор. Елланган қотиллар орасида энг ашаддий эканингизиям биланман. Биз сизга ўн минг долларлик шартнома таклиф қилмоқчимиз. Лу Бэрн, Жо Милейни, Алберт Холланд ва Майк Россни тинчитсангиз бўлгани.

— Фақат шуларни ўлдириш керакми?

— Ҳа. Тўдани бошқариб турган шу ифлосларни гумдон қилсангиз, қолган югурдаклар ҳар томонга тўзғиб кетади.

— Иш ҳақини олдидан тўлайсиз, — деди Касл лабига сикаттириб.

— Маъқул. Шаҳар полицияси сизга ҳалал бермайди. Лекин штат полициясига меннинг гапим ўтмайди. Шунинг учун ишни битиргач, дарров жуфтакни ростлайсиз.

Касл Харпер узатган конвертдаги ўн минг долларни чўнтагига солди-да, чол билан хайрлашиб, ташқарига чиқди ва машинасига ўтириб, тун қоронғисига сингиб кетди.

Бэрн, Милейни, Холландер ва Росс.

Касл майда шаҳарларни талашдан бошқасига ярамайдиган бу тўрт пандаваж ҳақида аввал ҳам эшитганди. Чикаго, Нью-Йорк ёки Вегасдек йирик шаҳарларга яқин йўлашга ботинолмайдиган бунақа майда тўдалар, одатда, ризқини ўттиз-қирк минг аҳолиси бор Арлингтонга ўхшаш шаҳарчалардан топишди.

Касл эртаси куни қош қорайганда шаҳардаги яқка-ю яғона меҳмонхона ёнида машинасини қолдириб, шимининг камарига қирқ бешинчи калибрли тўпчанни кистирди-да, марказий кўча бўйлаб пиёда йўлга тушди. Арлингтоннинг қонини сўраётган бу тўрт зулукни битта-битта янчиши керак. Аввал Бэрнни тинчатилади.

Лу Бэрн. Пақана бақалоқ. Керриганининг тўдасидан қувилган, Канзас-ситидан бу ерга ўрмалаб келган бу гўнгўнгиз Арлингтонга бир тўда суюқоёқни чақириб, қўшмачилик қилиб мўмай пул топаётганди. Касл фоҳишахонага айланган 137-уй яқинидаги бир пана жойга беркинб, Бэрнни кута бошлади. Кечки соат ўнларда бақалоқ ишайганча уйдан чиқди-да, нарироқда турган узун қора машинаси томон юрди. Шунда Касл унинг номини айтиб қақирди ва хомсемиз ўтирилганда тепкени босди. Уқ Бэрннинг оғзидан кириб миясини тешиб ўтди.

Яна уч киши қолди.

Милейни тинчитиш қийин бўлмайди. Бу фирибгар Сент-Луисда сохта лотерея чипталарини сотиб, қўлга тушишга бир баҳа қолганда Арлингтонга кочиб келган ва энди "бизнес"ини шу ерда давом эттираётганди. Милейни ҳеч қимдан қўрқмай шаҳарда очикчасига савдо қилар, югурдакларни орқали лотерея тарқатиб жарақ-жарақ пул ишларди.

Касл тўппа-тўғри муттаҳамнинг уйига бориб эшик қокди. Ичкарида кайф-сафо қилиб ўтирган Милейни тирқишдан қарашгаям эриниб, эшикни ланг очди-ю, қирқ бешинчи калибрли тўпчанча ўқи юрагини тешиб уни полга қулатди.

Яна икки киши қолди.

Холландер ҳам Каслга ўхшаган ёлланган қотил эди. Кўзи мурданинг кўзидай қақайган бу турки совуқ барзанги ҳақида ҳар қил миш-мишлар тарқалганди. Айтишларича, у аввал тансоқчилик қилган кейин пулга одам ўлдиришни бошлаб, бу ишга муккасидан кетган ҳозир ўз ишидан ҳузурланармиш. Бэрн ва Милейни сувараклардай ҳеч қийналмай эзиб ташлаган Касл касбдошини ўлдириш бунчалик осон бўлмаслигини яхши биларди. Холландер Бэрн ва Милейнига ўхшаб шаҳар марказида ялло қилиб юрмас, чеккароқдаги қўлқаватли бинаодан ижарага кичкина квартира олиб ёлғиз яшарди. Зомбисифат бу химсаннинг тўпчанчадан бошқа ишонган дўсти йўқ, у доим олазарак ва ҳушёр юрарди. Айнан ёлғизлик унга панд берди. Касл арзиманган пул эвазига қўлқаватли бино қорюлидан Холландер ҳақида кўп нарсани билиб олди. У эшикни тақиллатган маҳал Холландер тирқишдан қараб ҳам ўтирмай қарсиллатиб ўқ узишга тушди. Лекин Касл бунга тайёр эди. Рақибни қуролни қайта ўқлаётганида у бир ўқ билан қулфни бузиб эшикни тешиб очди-да, иккинчи ўқ билан Холландерни асфаласо-филанга жўнатди.

— Сизга ўн беш минг доллар бераман, — деди Росс зўрма-зўраки жилмайиб. — Мени ўлдириб нима қиласиз? Шундоқ ҳам тўдамдаги учта шеригимни тинчитибсиз.

Касл рўйхатдаги сўнги қурбон Майк Росснинг хонасида у билан гаплашиб ўтирар, Арлингтонни қўлга олган тўданинг бошлиғи қотилин ниятидан қайтариш учун унга тинмай ёлворарди.

— Йигирма минг, майли, ўттиз минг бераман, — деди Росс қиммат костюмининг ёни билан кўз ёшини артиб. — Қанча пул бериш, ўзингиз айтинг?

— Мен савдогар эмасман. Шартномани бажаришим керак. Пешонасига теккан ўқдан Росснинг жони узилгач, Касл тўпчанчабини дастрўмоли билан артиб, бармоқ изларини йўқотди-да, қуролни полга ташлаб хонадан чиқди.

Орадан бир соатлар ўтгач, Чикаго шаҳридаги бошқа бир хонада телефон жиринглади. Трубкани басавлат бир киши кўтарди.

— Салом, мен Каслман. Ишни битирдим.

— Нечтасини ўлдиридинг?

— Тўдабошиларнинг ҳаммаси ўлди. Энди шаҳар бизники, бемалол келаверинглар.

— Баракалла, — деди басавлат киши мамнун жилмайиб. — Бизни ўша ёқда кут.

Рус тилидан А.ОТАБОВЕВ таржимаси

Ҳаёт чорраҳаларида

ФАРЗАНД инсон умрининг мазмуни, ҳаёт гултожи саналади. Рост-да, фарзандни тўғри тарбиялаб, яъни мукамал билим олиши ёки бирор бир касб-ҳунар эгаси бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериб, келгусида унинг камолини кўриб яшашга нима етсин.

Албатта, бунга ҳар қайси ота-она турлича ҳис қилади. Кимдир фарзанднинг комил инсон бўлиб вояга етиши йўлида кунни тунга улаб меҳнат қилади, елиб югуради. Бошқа бир ота-она эса бу масалага панжа орасидан қарайди.

Фаргоналик Дилноза Акбарова (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳам фарзандни, унинг тарбиясини ўйинчоқ қилди. Энг муҳими, аёлнинг бекарорлиги туфайли бир бегуноҳ гўдакнинг мурғак қалби чилпарчин бўлди. Гап шундаки, Дилноза 2009 йилда фуқаро Азизбек Қосимов билан турмуш қурганида шириндан-шакар фарзандлар кўриш ва келажакда уларнинг қуршовида бахтли яшашни ният қилганди. Аммо орадан беш йил вақт ўтса ҳам эр-хотиннинг муроди ҳосил бўлмади. Яъни, фарзанд кўриш насиб этмади.


Шундан сўнг улар бирор бир болани фарзандликка олиш мақсадида Фаргона шаҳар "Болалар уйи"га мурожаат қилишди. Бинобарин, амалдаги тартиб-таомилларга кўра, эр-хотинга фарзандликка берилиши мумкин бўлган бир неча болалар тавсия этилди. Азизбек билан Дилноза эса 2011 йил 27 мартда туғилган Адиба Фуломовани танлашди. Наҳақда бола оила муҳитига мослашиши учун эксперимент тарикасида бир неча мартаба бўлажак ота-онасига бериб юборилди. Бу орада эр-хотин Адибанинг соғлиғи, ақлий ривожланиши билан танишишди, қолаверса, унга ота-оналик меҳрини кўрсатишди. Ўз навбатида, қизалоқ ҳам уларга анча ўргиниб қолди. Шу боис А.Қосимов ва Д.Акбаровалар фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, Адиба Фуломовани фар-

зандликка олиш, унинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасига тегишли ўзгартириш киритиш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраганди. Пировардида, суднинг 2014 йил 26 декабрдаги ҳал қилув қарори билан мазкур даъво тўлиқ қаноатлантирилган — Адиба уларга фарзандликка берилиб, исм-шарифи "Қосимова Гузалон Азизбек қизи", туғилган санаси "2011 йил 30 март", отаси "Қосимов Азизбек Турдиевич", онаси "Акбарова Дилноза Муродовна" тарзида ўзгартирилган.

Буни қарангки, аввалига Дилноза қизчага бинойидек муносабатда бўлди. Лекин орадан бир йил ўтгач, унинг юриш-туриши, ўзини тутишидан айб қидира бошлади. Охири оқибат "Соғлиғи яхши эмас экан", "Ақлий ривожланишида тенгдошларидан орқада қолаётгани", деган важлар билан боқилишни "Болалар уйи"га қайтариб олиб келди. Шунда "Болалар уйи" мутасаддилари Д.Акбарова билан суҳбат ўтказишди. Унга болани уйига олиб кетиб юрган пайтида соғлиғи, ақлий ривожланиши қониқарли бўлгани, бунга ўша маҳалда ўзи ҳам ишонч ҳосил қилгани, шундангина бола фарзандликка берилганини тушунтиришди. Бироқ ўжар аёл фикридан қайтмади. Шунинг учун "Болалар уйи" томонидан суднинг 2014 йил 26 декабрдаги А.Фуломовани фарзандликка бериш ҳақидаги ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Албатта, суд мажлисига қадар мазкур иш бўйича суд-тиббий экспертизаси тайинланди. Суд-тиббий экспертизасининг 2016 йил 22 апрелдаги 99-сонли хулосасига мувофиқ қизча бирор бир руҳий қан-

Бола қалби



Чилпарчин бўлмасин

салликка чалинмагани, фақат унда ижтимоий-педагогик омиллар туфайли руҳий ва нутқий ривожланишида энгил ортда қолишга хос ўзгаришлар кузатилгани, шунингдек, комплекс равишдаги психологик-психиатрик экспертизасида аниқланган билим захиралари ва интеллектини ёшига хос эмаслиги, танқидий қарашларнинг ҳали етарли шаклланмаганлиги сабабли Марғилон шаҳар кўп тармоқли поликлиника психиатри томонидан "руҳий ривожланиши сустлашуви", деб қўйилган ташхис асосли эканлиги аён бўлди. Аммо бу бола руҳий ривожланишдан орқада дегани эмас.

Оила қодексининг 169-моддаси, 1-қисмида "Фарзандликка олиш агар фарзандликка олинувчилар ўз зиммалари юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар, ота-оналик ҳуқуқини суниистеъмол қилаётган бўлсалар, фарзанд-

ликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар, муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсалар бекор қилиниши лозим", деб мазкур модданинг 3-қисмида эса "Суд бошқа асосларга кўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир", дея қайд этилган. Бинобарин, суд ана шу асосларга таяниб, даъводни тўлиқ қаноатлантирди. Яъни, фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро судининг 2014 йил 26 декабрдаги А.Фуломовани фарзандликка олиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини бекор қилди. Боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасидаги дастлабки ёзувлар ҳам қайта тикландиган бўлди.

Мазкур фуқаролик ишлари тафсилотларидан бохабар бўлгач, қалби пок ҳар қандай инсоннинг ранжиши тайин. Негаки орамизда бирор болани фар-

зандликка олиб, уни оқ ювиб, оқ тараётган, унга ўз фарзандидек меҳр кўрсатиб, келажакда роҳатини кўриб умргузаронлик қилаётганлар кўп-кўп топилади. Наҳотки, Дилноза ва Азизбек ўз қилмишлари Адибанинг она меҳрига зор қалбини баттар синдиришини ўйлаб кўришмаган? Ҳўш, уларнинг ён-атрофидигилар, қўни-қўшни, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўйи нега бу масалага эътиборсизлик қилишди?

Турри, давлат қарамогиди ҳар бир бола ейилиши, кийим-кечак, билим олиш ёки касб-ҳунар эгаллаш ва бошқа жиҳатлардан бекаму кўст вояга етати. Аммо унинг қалби ҳаммиса ота-она меҳрини кўмсаб яшайди. Чунки ота-она меҳри фарзанд қалбининг шамшироғи саналади. Шундай экан, ҳеч бир фарзанд бундан бебахра ҳолда улғаймасин.

Зўраҳон ЭРМАТОВА, фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро суди судьяси

Эълонлар

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 13 сентябрдаги 237-ум-сонли буйруғига асосан Турфан туманидаги "Муборак Якубова" адвокатлик бюроси адвокати Якубова Муборак Аминовнага Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 10 июнда ҲБ 000028 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тўғрисида.

Фуқаро Насриддинов Асоиддин Муҳиддиновнинг аризасига ва Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 14 сентябрдаги 79-А-ум-сонли буйруғига асосан Чирчиқ шаҳрида жойлашган "ADOLAT SALTAHAT" адвокатлик бюросининг адвокати А.Насриддиновга 2009 йил 28 майда берилган адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тўғрисида.

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 14 сентябрдаги 77-А-ум-сонли буйруғига асосан Зангиота туманида жойлашган "XUQUQIY IMITIYU" адвокатлик бюроси адвокати Муҳаммад Бегматов Мелишвилига бошқарма томонидан 2009 йил 28 сентябрда берилган адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси, 1-қисми, 12-бандига асосан Фаргона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 13 сентябрдаги 359-ум-сонли буйруғига асосан Фаргона шаҳридаги "FEMIDA" адвокатлик фирмаси адвокати Эргашев Қадиржаннинг (лицензия 05.06.2009 йил, FE №000014, адвокатлик гувоҳномаси №329, 16.10.2014 й.) адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тўғрисида.

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 31.08.2016 йилдаги 276-ш/А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "СОДЕК" адвокатлик фирмасининг адвокати Sodiqov Nodir Иброҳимовга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 17.07.2016 йилда берилган TN №001935 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 02.09.2015 йилда берилган TN №001935 рақамли лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тўғрисида.

Малка комиссиясининг 25.08.2016 йилдаги 8-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 31.08.2016 йилдаги 281-ш/А-сонли буйруғига асосан "FEMIDA-НИМОҲА" адвокатлар ҳайъати адвокати Имомов Абдулҳайит Абдулҳайитовичга бошқарма томонидан 26.03.2013 йилда берилган TN-001651 сонли адвокат макъоми олиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тўғрисида.

Малка комиссиясининг 25.08.2016 йилдаги 8-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 31.08.2016 йилдаги 281-ш/А-сонли буйруғига асосан "SAJ ATTORNEY'S GROUP" адвокатлар ҳайъати адвокати Алминова Зулфия Абдулҳайитовнага бошқарма томонидан 05.06.2009 йилда берилган TN-000465 сонли адвокат макъоми олиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тўғрисида.

Малка комиссиясининг 25.08.2016 йилдаги 8-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 31.08.2016 йилдаги 281-ш/А-сонли буйруғига асосан "COMPEТENCE DEFEND" адвокатлик фирмаси адвокати Усмонов Сайёра Тоҳировнага бошқарма томонидан 03.06.2009 йилда берилган TN-000355 сонли адвокат макъоми олиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тўғрисида.

Малка комиссиясининг 25.08.2016 йилдаги 8-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 31.08.2016 йилдаги 281-ш/А-сонли буйруғига асосан "COMPEТENCE DEFEND" адвокатлик фирмаси адвокати Маширнова Мадина Хасановнага бошқарма томонидан 05.06.2009 йилда берилган TN-000591 сонли адвокат макъоми олиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тўғрисида.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчасида жойлашган 73-уй, 68-хонадонга тегишли бўлган уй ҳужжатлари Яққоланлиги сабабли бекор қилинади.

"Auto Gold Grant" МЧК Тошкент шаҳар филиали очик аукцион савдосига таклиф этади!

Бошлангич баҳоси босқичча-босқич ошириб бориш тартибида 2016 йил 20 октябрь соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такоран аукцион савдосига Суд Департаментининг суд икчорилари томонидан ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли икчор қарарисига асосан қуйидаги энгил автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Mercedes-Benz ML 550 V8 русумли, қора рангги, 2007 йилда и/ч, т/с, д/б 01 S35 ААА бўлган б/б, 248 386 135 сўм. 2. Mercedes-Benz GL 550 АМБ русумли, қора рангги, и/ч, йили номалуми, (23088), т/с, д/б (П.Е.А. 461 77) бўлган б/б — 395 871 482 сўм. 3. Hyundai Elantra русумли, стальчи-серий рангги, 2009 йилда и/ч, т/с, д/б 01 765 ААА бўлган б/б — 81 222 350 сўм. Тошкент ш, Сирғали т, Олтин водий кўчасида жойлашган Тошкент "ОРМС" автомобилларини савдо турароқлида сакланмоқда.

Бошлангич баҳоси босқичча-босқич ошириб бориш тартибида 2016 йил 4 ноябрь соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд Департаментининг Тошкент шаҳар, Сирғали туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: 1. 06.07.2015 йилдаги №10-1314/19809-сонли икчор ҳужжати Га-31029 русумли, энгил, кулранг, 1995 йилда и/ч, т/ч, д/б 01931РСА бўлган б/б — 4 084 763 сўм. 2. 06.07.2015 йилдаги №10-1314/19809-сонли икчор ҳужжати ЗИЛ138В русумли, оқ, хаворанг, 1966 йилда и/ч, т/ч, д/б 01396РСА бўлган, б/б — 11 831 986 сўм. Юқорида келтирилган автотранспорт воситалари "SHAMOL" МЧКнинг имомбончасида Тошкент ш, Сирғали т, Беканчилик 3А уйи сакланмоқда. Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд икчорилари вақили иштирокчида бевосита қўйиб қилиш мумкин.

Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 20 октябрь ўтказилмайдиган аукцион савдоси учун 2016 йил 18 октябрь куни, 2016 йил 4 ноябрда ўтказилмайдиган аукцион савдоси учун 2016 йил 2 ноябрь соат 18:00 да тўхтайтилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш қилишни соат 10:00 дан 17:00 гача (соат 13:00-14:00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш мезғилида ёки www.azg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдога иштирок этиш учун қўйилган ҳужжатлар тақдими этилиши сўралади: савдо ташкилотчоси билан тузилган "савдат турисидати келмушарта" асосан савдат пули тўлганлиги тўғрисида тўлиқ ҳужжат намунаси, арқа, вакиллар учун ишоннома. Мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда савдат пулини икчор ҳужжати рақами ва савдонинг кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧКнинг САЙТИ "Ушбу йил банк" Мировид филиалидидаги 2020 8000 8004 2284 8004 хисоб рақамига МҚО. 0101, ИҲН: 303136943 тўлашни шарт.

Савдо ўтказиш ва арзаларни қабул қилиш мезғили: Тошкент шаҳар, Мировид тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-02. Гувоҳнома №05781.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧК Школьник баҳоси босқичча-босқич ошириб бориш тартибида ўтказилмайдиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 5 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: Тошкент шаҳар Яшнобод туман СИБ томонидан Ушуга ФМБ судининг 04.03.2016 йилдаги №1-857/16-сонли икчор ҳужжати асосан хатланган Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Муитос кўчаси, 58-уй мезғилида умумий 1044 кв.м. ер участкасида жойлашган, бинонинг умумий майдони 1266 кв.м, фойдалани майдони 1025,75 кв.м, бошлангич баҳоси: 800 000 000 сўм бўлган 1 ва 3-хаватли маъмурий бино ва тиббий ёрдам биноси.

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 15.12.2014 йилдаги №6401-сонли икчор қарарисига асосан хатланган Тошкент вилояти Янгийул тумани Гўлбарор Қ.Ф.Й, Самарқанд кўчаси, 43-уй, 10-қондан, умумий қонлари 88,84 кв.м.лиг турароқ. Бошлангич баҳоси: 44 000 000 сўм.

Аукцион савдосида қўйилган мулк билан тегишли суд икчорилари бўлини вақиллари иштирокчида бевосита қўйиб қилиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар қуни (дам олиш ва байрам қиларида ташқир) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангичида кириш иш қилиш соат 18:00 да тўхтайтилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида қўйилган талабгорлар мулкнинг бошлангич баҳосининг 10 фоизини миқдоридан кам бўлмаган савдат пулини тўлиқ ҳужжатида икчор ҳужжати рақами ва савдонинг кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида талтиқда савдо ташкилотчоси — "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧКнинг ХАТБ "Ушбу йил банк" Тошкент шаҳар филиалидида қуйидаги хисоб рақамига тўлашни шарт: х/р: 2020 8000 8049 3805 0001, МҚО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аукцион қўлиб сотиб олган мулк қиймати 5 банк қуни муболиғида тўлашга тўлашни шарт. Мазкур: Тошкент шаҳар, Мировид тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233 09 38. ИҲН: 258. Лицензия: RR-0052.

Савармакд вилоят адлия бошқармаси ҳаммаси Булунгур туман 2-сон давлат но-тариял идораси отариуси Рустам РАЙИМЖОНОВнинг вафот этганилиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Хурматли юртдошлар!



"Асака" банк

2016 йил "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА"

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтириқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

"Асака" банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Реклама



Сервис ва маиший хизмат ривожланмоқда



АРНАСОЙЛИК Раҳматилла Ражабов ишнинг кўзини биладиган тadbиркор. У бир неча йилдирки аҳолига сервис ва маиший хизмат кўрсатиш орқали бирни икки, иккени тўрт қилаётганлардан. Сабаби, у бир юмушга қўл уришдан илгари ҳамиша масаланинг икки-чиркигача ўрганиб, кейин ишга киришади. Шу боис ҳам ошиғи олчи.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Фаолиятига қўшимча тарзда тикувчилик цехини ташкил этишни ният қилди. Аввал зарур маблағни қаердан олиш ҳақида ўйлади ва ҳеч иккиланмай "Агробанк"ка мурожаат қилди. Боиси, Раҳматилла Ражабовнинг тadbиркорликка кириб келишидаги дастлабки қадамларида ҳам ушбу молия муассасаси камарбаста бўлган.

Раҳматилла аканинг бу сафарги иши ҳам жуда осон кўчди. Ҳуқумат қарорига асосан унинг "Умумий овқатланиш" хусусий корхонасига туманда бўш турган бино ишоотлардан бири "О" қийматда ажратиб берилди. Раҳматилла Ражабовнинг тикувчилик цехи ташкил этишга қаратилган бизнес-режасига кўра, "Агробанк" томонидан 130 миллион сўм кредит ажратилди.

Ҳозирда янги бинода таъмирлаш ишлари кетаяпти. Режага кўра, 20 та янги тикув машинаси ўрнатилиб, 30 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш мўлжалланган.

Жиззах вилоятида Раҳматилла Ражабов каби "Агробанк"нинг молиявий кўмагига таяниб ўз бизнесини йўлга қўётган ишбилармонлар сафи тораба кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, худудларни иқтисодий ва икисодий жиҳатдан ривожлантириш ва бошқа кўплаш дастур ва чора-tadbirlar ижросини таъминлаш мақсадида "Агробанк" акциядорлик тижорат банки томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Банкнинг вилоят бошқармалари ва бошқа филиаллари бу борадаги ишлар кўламини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда. Хусусан, банкнинг Жиззах вилоят бошқармаси фаолиятини юқоридаги фикрларга мисол қилиш мумкин.

Айни кунда банк томонидан вилоятдаги 16 минг 500 нафардан зиёд миқозга хизматлар кўрсатилётган бўлса, шундан 14 минг 563 нафари кичик бизнес вақилларидир.

Биргина, жорий йилнинг 1 сентябрина қадар "Агробанк" АТБ Жиззах вилоят бошқармаси томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 735 на-

фар тadbиркорга 46,6 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилган. Шунга кўра, банк кредитлари ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқиш ҳажми 2,2 миллиард сўмдан ошди. Энг муҳими, 338 та янги иш ўрни яратилди. Шунча хонадоннинг рўзгорига барака кирди.

Кўнаралиси шундаки, ажратилган кредитларнинг 18,6 миллиард сўми микрокредит ҳисобига тўғри келаётганлиги. Ушбу микрокредитлар халқ истеъмол моллари харид қилиш, қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ривожлантириш учун йўналтирилди. Шу боис бугун аҳолининг турмуш тарзи кун сайин яхшиланиб, ҳаёт даражаси кўтарилиб бораёпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмиссис фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-tadbirlar тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳам банк филиаллари томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда банк томонидан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 1 минг 350 нафардан ортиқ аёлларга хизмат кўрсатилмоқда. Жорий йилда эса 139 нафар ишбилармон аёлга 6,603 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 57 та янги иш ўрни ташкил этилди. Саноят ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари еттиштириш, сервис хизмат кўрсатиш соҳалари сезиларли даражада ривожланди.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш масалалари ҳам доимий банк эътиборида. Ушбу соҳалар билан

шуғулланиши истаган 133 та кичик бизнес субъектига 4,9 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди ва чекка худудларда маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилди ҳамда 80 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

— Бугун қишлоқ жойларда сервис соҳасини ривожлантириш, аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда, — дейди Зомин туманидаги "Тоғ сўқмоғи" МЧЖ раҳбари Назар Алибеков. — Қолаверса, бугун мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида амалга оширилётган ишхотлар самараси ўлароқ бугун энг чекка худудларимизда ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари жадал ривожланаёпти. Бу йўлда эса молия муассасалари тadbиркорларга яқиндан кўмак бериб келаёпти.

Биз ҳам болалар соғломлаштириш мажмуасини ташкил этиш мақсадида "Агробанк"дан 100,0 миллион сўм кредит олдик. Тоғ худудда мўъжазгина спорт мажмуаси ташкил этилди. Бу ерда 6 киши ишли бўлди. Уларнинг 4 нафари қишлоқ ёшларидир.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкин, бугун юртимизда барча соҳа жадал ривожланаёпти. Худудлар ҳар жиҳатдан тараққий этаёпти. Бундан қўланган асосий мақсад аҳоли фаровонлигини ошириш, халқимиз турмуш тарзини бугунгидан-да яхшилашдир. Бунда "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ҳам четда қолаётгани йўқ.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Хизматлар лицензияланган.

НУРОБОД НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРҚАТИШ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



Ҳаёт бўстониинг боғбони, маънавиятнинг толмас поспонлари — азиз устозлар ва мураббийларни касб байрами билан муборакбод этади! Шогирдларининг камоли йўлида меҳнат қилаётган устоз ва мураббийларимизга доимо соғу саломатлик тилаймиз! Ҳамиша элда азиз бўлинг! Масъулиятли ишингизда Сизга сабру қаноат ҳамроҳ бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССЕС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
2007 йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 0081-қарори билан рўйхатга олинган
www.minjust.uz

Бош муҳаррир Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Усманов Анвар Акрамович
Очлов Анжон Муҳлисевич
Мамалдиев Зайнабдин Очялович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Ербек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Нашр индекси: 137
базасида терилди ва саҳифаланди. "Ўзбекистон" Тиражи — 18348. Буюртма S-7143.
Тошқини вақти — 19:00
Тошқини — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ: 100192, Тошкент ш. Булок Илқос йўли кўчаси-1. Тел: 268-19-74, Факс: 268-19-31
Обуно бўлими: 268-19-97
1 2 3 4 5